

**Устозим – хаётим чироғи!
(1 октябрь – Устоз ва
мураббийлар куни)**

Таълимга эътибор – келажакка эътибор

Мамлакатимизда Давлат ва Ҳукумат томонидан устоз ва мураббийларга қаратилган ғамхўрлик ва эътиборнинг ташкилий-ҳукукий асослари

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг Қонуни Ўқитувчи ва мураббийлар кунини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:

1. 1 октябрь «Ўқитувчи ва мураббийлар куни» деб белгилансин ҳамда у байрам (дам олиш) куни деб ҳисоблансин.
2. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрдаги Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисигининг Ахборотномаси, 1996 йил, 1-сонга илова) 131-моддаси олтинчи хатбошидан кейин қуидаги мазмундаги янги хатбоши билан тўлдирилсин:
«1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни;»
Шу модданинг еттинчи, саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилари тегишли равишда саккизинчи, тўққизинчи ва ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Халқ таълими ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги 1993 йил 29 декабрь Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 1, 26-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
1996 йил 27 декабрь,
367-I-сон



Ўзбекистон Республикаси Президенти устозлар тұғрисида



Буюк маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг: “Инсон тафаккурининг қуввати ва кенглиги аввало муаллим тарбиясига боғлиқ” деган сўzlари сизларнинг мاشаққатли, айни вақтда олижаноб фаолиятингизга берилган юксак баҳодир, десак, ўйлайманки, адашмаган бўламиз.

Ишончим комил, халқимиз зиёлиларининг илғор вакиллари бўлган сиз, хурматли устоз ва мураббийлар мамлакатимизда ижтимоий-маънавий мухитни яхшилаш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, жамиятимизда тинчлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш бўйича олиб бораётган ишларимизни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ҳаётда ўзини оқлаган мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигига асосланган ижтимоий тизим самарасини оширишда фаол иштирок этиб, барчага ўрнак ва намуна бўласизлар. Сиз, азизларнинг ана шу эзгу мақсадларга эришиш, инсон ҳар томонлама эркин ва фаровон яшайдиган янги Ўзбекистон давлатини барпо этиш, жонажон Ватанимизни янада тараққий эттиришга қаратилган оғир ва мешакқатли, шу билан бирга, ғоят шарафли меҳнатингизни муносиб қадрлаш учун биз давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этишга тайёрмиз.

(Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ўқитувчи ва мураббийларга йўллаган
табригидан)

Ўзбекистон Республикаси Президенти устозлар тўғрисида



2018 йил 5 сентябрда қабул қилинган “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент фармони соҳа тараққиётида янги уфқлар очиб берди.



Ёшлиарни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида, замонавий билим ва касб-ҳунарлар, хорижий тилларни пухта эгаллаган, Ватанимиз ва халқимизга садоқатли инсонлар этиб вояга етказиша, аввало, устозларга таянамиз. Айниқса, бутун дунёда мураккаб ва таҳликали вазият ҳукм сураётган ҳозирги вақтда ёшлиар ҳаётига таҳдид колаётган хавф-хатарларнинг олдини олиш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашишда сизларнинг ибратли фаолиятингиз улкан аҳамиятга эга. Шу борадаги ўта масъулиятли вазифалар устоз ва мураббийлардан ўз устида тинимсиз ишлаш, фарзандларимизни янгича тафаккур, юксак инсоний туйғулар билан ошно этиш, уларда мустақил ва ижодий фикрлаш қобилиятини узлуксиз ривожлантириб боришни талаб этмоқда.

Ишончим комил, миллати, тили ва динидан қатъи назар, Ватанимизнинг ҳар бир фарзандини ўз боласидек севиб, ардоқлаб, уларни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш учун сидқидилдан меҳнат қилаётган сиз, ҳурматли Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийлари бу вазифаларни албатта шараф билан адо этади.

Миллий таълим тизимиға ўзларининг бекиёс хизматларини қўшган, мактабни улуғ даргоҳ деб ҳисоблаган жадид боболаримиз

Махмудхўжа Беҳбудий – Туркистонда жадидчилик ҳаракати раҳбарларидан бири, ёзувчи, журналист ва жамоат арбоби. 1874 йил 10 мартда Самарқанднинг Бахшитепа қишлоғида туғилган. 1919 йил Қарши шаҳрида Бухоро амири томонидан ўлдирилган. Беҳбудий Самарқандда биринчилардан бўлиб 1904 йил усули жадид мактабини ташкил қилди ва шу мактаб учун “Мунтаҳаби жуғрофияи умумий” (“Қисқача умумий география”), “Китоб ул-атвол” (“Болалар учун китоб”), “Мухтасари тарихи ислом” (“Исломнинг қисқача тарихи”), “Амалиёти ислом” ва бошқа дарсликлар, шунингдек мактаб ва таълим-тарбия тўғрисида бир неча мақолалар ёзди. Самарқанддаги хусусий нашриётида дарсликлардан ташқари “Туркистон, Бухоро ва Хива ҳаритаси”ни босиб чиқарди. Газета ва журналлар нашр этди. 1911 йил ёзилган “Падаркуш” пъесасида у барчани илм-маърифатли бўлишга чақириш, илмсизлик балосини даф қилиш ғоясини илгари сурди.


Мунавварқори Абдурашидхонов – сиёsat ва маърифат арбоби. Туркистонда жадидчилик ҳаракати намояндадаридан бири, миллатпарвар улуғ педагог. “Шўрои Ислом” ташкилоти (1917-18) идеологи ва раҳбари. 1878 йил Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкентдаги Юнусхон мадрасасида таълим олган. 1903 йилдан жадид мактаблари очиб, дарс берган. Шундай мактаблар учун товуш усулида ёзган “Адиби аввал” (“Биринчи адиб”, 1907) алифбе китоби, “Адиби соний” (“Иккинчи адиб” 1907) ўқиш китоблари бир неча бор нашр қилинган. 1908 йил унинг “Сабзазор” (тўплам), “Ер юзи” (географиядан), “Тажвид” (Қуръонни ўқиш усулини ўргатган) китоблари ҳам босилиб, янги усуздаги мактабларда дарслик сифатида қўлланган. 1906-1917 йилларда жадид газеталарида муҳаррирлик қилган. 1929 йил ноҳақ миллатчиликда айбланиб қамоққа олинди ва 1931 йилда отиб ташланди.



Миллий таълим тизимиға ўзларининг бекиёс хизматларини қўшган, мактабни улуғ даргоҳ деб ҳисоблаган жадид боболаримиз

Абдулла Авлоний (1878-1934), шоир, драматург, давлат ва жамоат арбоби. Меҳнат Қаҳрамони (1925), профессор (1930). Эски мактаб ва мадрасада ўқиган (1884-1890). Тошкентда янги усулдаги мактаблар очган (1904); “Турон” (1913; 1914 йилдан “Туркистон”) театр труппасини, “Нашриёт” (1914), “Мактаб” (1916) китоб нашр қилиш ширкатларини ташкил қилди; “Шуҳрат” (1907), “Турон” (1917) газеталарини нашр этди. “Иштироқиён” газетасининг ташкилотчиси ва муҳаррири (1918). “Касабачилик ҳаракати” журнали муҳаррири (1921). Эски шаҳардаги хотин-қизлар ва эрлар маориф билим юртларида мудир (1922-29), Маориф ходимлари эски шаҳар союзи раиси (1923), Туркфронт ҳузуридаги миллий ҳарбий мактаб (1924-29), Ўрта Осиё коммунистик университети (САҚУ; 1925-29), Ўрта Осиё давлат университети (1930-34) ўқитувчиси. Авлоний янги усулдаги мактаблар учун дарсликлар ёзган; унинг шеърий тўпламлари, драматик асарлари нашр этилган.

«Илм деб ўқимак, ёзмакни яхши билмак, ҳар бир керакли нарсаларни ўрганмакни айтилур. Илм-дунёning иззати, охиратнинг шарофатидур. Илм инсон учун гоят олий ва муқаддас бир фазилатдур. Зероки, илм бизга ўз аҳволимизни, ҳаракотимизни ойина каби кўрсатур. Зеҳнимизни, фикримизни қилич каби ўткир қилур. Савобни гуноҳдан, ҳалолни ҳаромдан, тозани мурдордан аюруб берур, тўғри йўлга раҳнамолик қилуб, дунё ва охиратда масъуд (бахтли, саодатли) бўлишимизга сабаб бўлур»,- деган эди буюк маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний.




Замонавий мактаб – замонавий таълим

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ташаббуси билан: 2017 йил 23 июнда Вазирлар Маҳкамасининг «Жиззах шаҳрида Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги она тили ва адабиёти фанини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб-интернатни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди;

2017 йил 24 майда Вазирлар Маҳкамасининг “Қарши шаҳрида Абдулла Орипов номидаги она тили ва адабиёти фанини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб-интернатини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди;

2017 йил 25 июнда Вазирлар Маҳкамасининг “Андижон шаҳрида Муҳаммад Юсуф номидаги она тили ва адабиёти фанини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб-интернатни ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди;

2017 йил 14 сентябрда Президентнинг Тошкент шаҳрида «Мирзо Улуғбек номидаги ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернатини ва «Астрономия ва аэронавтика» боғини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори имзолади.



Халқ таълими тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар

Сифатли таълим – нурли келажак учун асос!



Бугунги кунда шиддат билан ўзгариб бораётган ҳаёт олдимизга қўяётган бирбиридан мураккаб ва муҳим масалаларни ҳал қилиш ҳақида ўйлар эканмиз, уларнинг ечими айнан таълим-тарбия билан, ёшларнинг дунёқарашини замонавий билим, юксак маънавият ва маърифат асосида шакллантириш билан боғлиқ эканига яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз.

Президентимиз таъкидлаганидек, «Юкори синфларда болалар шахс бўлиб, жамоа бўлиб шаклланади. Айни ўша пайтда уларни ўзлари ўрганган муҳитдан ажратиб қўймаслик керак. Бу ёшларнинг руҳиятига, давоматига, охир-оқибат таълим-тарбиясига салбий таъсир қилиши мумкин. Шу боис таълим жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш, ўкув дастурларини такомиллаштириш зарур...»

Жамиятда ўқитувчининг обрўси ошса бундай жамият бойдир!

Мухтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан **2018 йил 14 августда** “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жихатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги **ПҚ-3907-сонли Қарори қабул қилинди.**



Қарорда 2018-2019 ўкув йилидан бошлаб умумтаълим мактаблари битирувчилариiga аъло билими, намунали ҳулқи ва жамоат ишларидаги фаоллиги учун бериладиган олтин ва кумуш медалларни таъсис этиш белгиланди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 23 август куни таълим тизимидағи ислоҳотлар ҳамда муаллимларнинг нуфузини оширишга бағишиланган видеоселекторда айтган сўзлари



“Хурматли муаллимларимиз, жонкуяр мактаб директорларини, соҳа фахрийларини эл-юртимизнинг таянчи ва суянчи, деб биламиз, – деган Президентимиз. – Мактаблар тизимини ривожлантириш учун бундан буён ҳам маблағни, имкониятни асло аямаймиз. Келажак авлодимиз тақдери, бутун миллатимиз, халқимиз, давлатимиз тақдери муҳтарам муаллимларга боғлик”.

“Мактаб бу ҳаёт-мамот масаласи, келажак масаласи. Уни давлат, хукумат ва ҳокимларнинг ўзи ҳал қилолмайди. Бу бутун жамиятнинг иши, бурчига айланиши керак. Мактаб ўқитувчисини моддий рағбатлантирмасак, унинг ҳаёт сифати даражасини оширмасак, ислоҳот, натижа ҳақида гапира олмаймиз”



Буюк мутафаккирларимизнинг устозга берган таърифлари

Жаҳонда бўлмаса муаллим агар,
Хаёт ҳам бўлмасди гўзал бу қадар.

(Абдурахмон Жомий)

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳаққин юз ганж ила

(Алишер Навоий)

Устоз нимаики айтса, уни жон дили билан шогирд
эшитиши, чин кўнгил билан қабул қилиши ва олган
билим ва малакасини амалда адо этиш керак

(Хусайн Воиз Кошифий “Футувватномаи сultonий”)

Устод дебдир: билимни она қорнидан олиб
тушмаганман; Ўтмиш қонимда-ю, ўқищдан
тўхтамасман!

(Конфуций)

Ҳар қандай таълим ва тарбияда энг асосий омил –
муаллим, унинг тафаккур дунёсидир

(А.Дистервег)

Агарки дунё иморатлари ичида энг улуғи мактаб бўлса,
касларнинг ичида энг шарафлиси ўқитувчилик ва
мураббийликдир.

(Ислом Каримов)

Агар мендан сизни нима қийнайди? деб сўрасангиз,
фарзандларимизнинг таълим – тарбияси, деб
жавоб берардим

(Ш.Мирзиёев)



Муаллим камолот ичра кўзгудир!



(Овозни тинглаш учун белгини босинг.)

Қадри билинади менга энди гоҳ,
Олис мактабимнинг ўша беҳашам...
Навоий-ку бизга устаздир, бироқ
Кимгидир ўқитган-ку Навоийни ҳам.
Шундай буюк зодга харф ўргатган ким?...
Оддий муаллим-да, оддий муаллим.

Тупроқдек хокисор, безота жонлар,
Аммо қанотида тоғдек улуғвор,
Аммо Темурдайин Соҳибқуонлар
Фирим деб , этгайн ўпган бор.
Қайсар жохонгирда йўл кўрсатган ким?
Оддий муаллим-да, оддий муаллим.
Йўқдан Берунийлар бинолар қилган,
Машрафни машҳури дунёлар қилган,
Ҳусайнни – Ибн Синолар қилган,
Илоҳ сўз ўргатган ким?
Оддий муаллим-да, оддий муаллим.

Лекин бу ҳаёт ниш-санчиқлардан,
Қоқилса кўтарган қўлтиқларидан,
Отадек эзилган ғусага ботса,
Боладек қувонган ютуқларидан,
Уйқида шогрдин ўйлаб ётган ким?...
Оддий муаллим-да, оддий муаллим.

Улфат кўп-у аммо бир дўсти ҳамроҳ —
Ҳалим тополмадим ундан ҳалимроқ.
Қанча устоз кўрдим, қанча олийгоҳ,
Олим тополмадим ундан олимроқ.
Бола юрагимда бебаҳо тилсим —
Оддий муаллим-да, оддий муаллим.

Юзга кираман мен Худо хоҳласа —
Юз йилдан кейин бир мўмин ўртоғим
Кўзим ёпиб қўйса, жағим боғласа,
Сўнгги сафар сари отланган чоғим,
Фақат бир кимсадан бўлади қарзим,
Оддий муаллим-да, оддий муаллим!

Мухаммад Юсуф

Ҳафта янгиликлари



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 октябрь куни мамлакатимизда расмий ташриф билан бўлиб турган Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши раиси Валентина Матвиенкони қабул қилди. Учрашувда икки томонлама мұносабатлар, шунингдек, олий даражада эришилган келишувларни амалга оширишда ҳамда савдо-иқтисодий, инвестициявий, инновацион, транспорт-логистика, агросаноат, илмий-техник соҳаларда истиқболли лойиҳаларни илгари суришда, таълим ва маданий-гуманитар алмашинувларни кенгайтиришда икки мамлакат парламентларининг фаол иштирокига оид долзарб масалалар кўриб чиқилди

Чемпионлар тақдирланди



28 сентябр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 6-22 сентябр кунлари Россиянинг Екатеринбург шаҳрида дунёning 80 га яқин мамлакатлари ўртасида бокс бўйича бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида миллий терма жамоамиз вакиллари биринчи ўринни эгаллагани муносабати билан уларни мукофот билан **тақдирлади**.

Дарҳақиқат, бугун ўзбек бокс мактаби тарбияланувчиларининг эришаётган ютуқларини дунё эътироф этмоқда. Жумладан, Россияда ўтказилган жаҳон чемпионатида 80 га яқин мамлакатдан келган 362 боксчи ўртасида ўзбек ўғлонлари ҳеч кимдан кам эмас ва кам бўлмаслигини исботлади.

Ўзбекистонда агротуризм қишлоғи



28-30 октябрь кунлари Қашқадарё вилояти, Китоб туманининг Варганза қишлоғида биринчи халқаро анор агрофестивали бўлиб ўтди.

Варганза қишлоғи аҳолиси азалдан анорчилик ҳадисини олган. Фермер хўжаликлари ер майдонлари ва аҳоли томорқаларида анорнинг қораширин, бедона, аччикдона, улфи, қай, туятиш сингари навлари етиштирилади.

Қашқадарё вилояти Туризм бошқармаси маълумотига кўра, варганзалик ишбилармонлар ҳар йили минг гектардан зиёд майдондан 5 минг, 6 минг тонна ҳосил териб, қўшни мамлакатларга экспорт қилишади.

Эътиборингиз учун раҳмат!